

ХАЛҚ СЎЗИ




1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

14 октябрь, шанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 200 (1202)

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 13 октябрь кунини АҚШ Савдо вазирлиги маслаҳатчиси, АҚШ маъмуриятининг МДХ давлатлари билан энергетика ва савдо соҳаларида ҳамкорлик масалалари бўйича вакили Ян Калицки бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.



Қўшма Штатлари ҳукумати Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга алоҳида эътибор бераётганини айтди. У ўзи раҳбарлик қилаётган делегация аъзолари билан ҳамкорлик масалалари бўйича вакили Ян Калицки бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

— Ўзбекистон ҳукумати АҚШ билан турли соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтиришга тайёр, — деди Президент Ислам Каримов учрашувда. — Зеро, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш учун етарли имкониятлар мавжуддир.

Мамлакатимиз раҳбари, Ян Калицки бошчилигидаги делегациянинг Ўзбекистонга ташрифи мазкур имкониятларни янада кенгроқ ишга солишда муҳим омил бўлади ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик ривожига янги куч бағишлайди, деб умид билдирди.

Ян Калицки Америка Суратда қабул қилди. А. ТУРАЕВ тасвирга олди.

ФАОЛАР ЙИГИЛИШИ

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАЙДИ

Сурхондарё фаолларининг вилоятли иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг 9 ойлик иш якуналари ҳамда галдаги вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлди. Уни вилоят ҳокими Ж. Нораев бошқарди.

ФУРСАТ КУТИБ ТУРМАЙДИ

Фарғона вилояти фаолларининг 1995 йил 9 ойда вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ва имкониятларни боришига бағишланган йиғилиши бўлди. Вилоят ҳокими М. Исломов шу ҳақда маъруза қилди.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

13 октябрь кунини АҚШ Савдо вазирлиги маслаҳатчиси, АҚШ маъмуриятининг МДХ давлатлари билан энергетика ва савдо соҳаларидаги ҳамкорлик масалалари бўйича вакили Ян Калицки бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ташриф буюрди.

ТОШКЕНТДА АҚШ БИЗНЕС МАРКАЗИ ОЧИЛАДИ

13 октябрь кунини Тошкентда Америка бизнес маркази ва хорижий тижорат хизмати биноси рағбатли «Тамал тоши» кўйиш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар вазирини ў. Султонов ва АҚШ Савдо вазирлиги маслаҳатчиси, АҚШ маъмуриятининг МДХ давлатлари билан энергетика ва савдо масалалари бўйича вакили Ян Калицки рағбатли тасмани кесди.

БАРЧА ИШДА ИЗЧИЛЛИК ДАРКОР

Гулистонда Сурдарё вилояти фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда вилоятда иқтисодий ислохотларнинг бориши ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг 9 ойлик иш якуналари муҳокама қилинди. Йиғилишнинг вилоят ҳокими Ф. Ҳасанов бошқарди.

ИСЛОХОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда шу йил 9 ой иш якуналари ва Қорақалпоғистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИДА «БОИНГ»ЛАР УЧАДИ

1996 йил август ойидан бошлаб «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси йўлларидида жондор «Боинг» самолётлари билан компаниянинг самолётлари уча бошлади. Шуниси диққатга сазоворки, компаниянинг қароргоҳи Вашингтон штатининг (АҚШ) маъмурий маркази — бир неча йиллардан бери Тошкент билан биродарлашган Сиэтл шаҳрида жойлашган.

СЕМИНАР НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Урганчада Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг «Атроф муҳитни тиклаш» мавзусидаги семинари 13 октябрь кунини ниҳоясига етди.

«Оқ олтин» — 95

Республика Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов Ўзбекистон ҳукумати ЕХТ мазкур анжуманининг домий тарзда ўтказилиши тарафдори эканини қайд этди.

РЕСПУБЛИКАДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1995 ЙИЛ 13 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Table with 3 columns: Region, Cotton yield (t/ha), and Cotton yield (t/ha) for 1994 and 1995. Includes regions like Andijon, Xorazm, Namangan, etc.

ҚИЗИЛТЕПАЛИК ПАХТАКОРЛАР ЮТУГИ

Туман пахтакорлари давлатга 27100 тонна саноат хомашиси етказиб бердилар. Қизилтепалик пахтакорлар бу йил 9300 гектар майдонга «Бухоро-6» нави пахта экикан эдилар. Ҳосилдорлик шу кунгача 29,2 центнерни ташкил этмоқда.

БУЗАТОВ БОЗОРИ

Бузатов тумани маркази Қозонқотган посёлқасида янги дохон бозори очилди. Орол бўйидаги чоравчилик иқтисослаштирилган бу туман аҳолиси эндиликда ўзи учун зарур молларни қўшни туманлардан эмас, балки янги бозордаги юзга яқин дўкандан харид қилиш имконига эга бўлди.

ХУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

«Халқ сўзи» газетасига 1996 йил учун обуна бошланди. Газетамиз келгуси йил ҳам одадлагидек ҳафтада беш марта нашр қилинади.

Республика прокуратурасида

УМУМИЙ ОФАТГА ҚАРШИ БИРГАЛАШИБ ҚУРАШИШ ЛОЗИМ

Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасида мамлакатимизга ташриф буюрган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг наркотик моддаларни нazorат қилиш бўйича халқаро дастури (ЮНДКП) мутахассиси профессор Муҳаммад Ойит билан учрашув бўлди. Учрашувда Прокуратура аппаратынинг масъул ходимлари, атақчи биҳарма ва бўлимларининг раҳбарлари иштирок этди.

РЕСПУБЛИКА ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Table showing exchange rates for various currencies: 100 US Dollars, 100 Japanese Yen, 100 Swiss Francs, etc.

ЎЗБЕКИСТОН РЕПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БАЁНОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1995 йил 18 октябрдан бошлаб алмаштириш пунктларида валюта операцияларини амалга оширишининг қўйидаги тартибини белгилайди.

РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ВА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1995 йил 13 октябрдаги қарор билан вилоят ва қоракалпоғистондаги ҳақ-ҳисобларни қайта баҳолаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Чорвачилик муаммолари

ИККИНЧИ босқичга кирган ислохотлар жараёни бошқа соҳалар каби мамлакат чорвачилиги жаҳадида ҳам ўз таъсир доирасини кенгайтирмоқда.



ШАКЛ ЯЎНИЧА, МАЗМУНИ ЭСА ЭСКИЧА

Хоразм вилоятидаги қатор чорвачилик фермалари иш мезонини тахлил қилган киши шундай хулосага келади

да билишади. Шу боис, ферманинг келажакда, маҳсулдорлигини ошириш билан боғлиқ чора-тадбирлар, замонавий иш усуллари, омилдорлик таъминлари уларни деярли қизиқтирмайди.

Мол асрашни удаласлашган мулкдорлар уларни қўлга бўлган шундай таъминоти билан қўриқиб келишган.

Халқ фаровонлиги йўлида ҳалол меҳнат қилаётган, бирини мингта, мингини туманга айлантираётган тадбиркор чорвалорлар ошиғи доимо олчи бўлган, улар меҳнати ҳар бир замонда қадр топган.

ХИВА туманидаги Огаҳий номи жамоа ҳўжалигида чорвачилик азалдан равақ топиб келаётди.

Чорвачилик аҳоли турмуш шарафини яхшилаш, дастурхон тўқинчилигини таъминлашнинг муҳим манбаи, — дейди ҳўжалик раҳбари Собиржон Маширипов.

Экинларни парвариш қилиш, озуқа тайёрлаш, сув йўллари ни ҳозирлаш, қурилиш-таъмирлаш ишларида ферма жамоасига мунтазам кўмак уюштирилади.

Сирасини айтганда мўмай фойда олмай туриб маҳсулот миқдорини оширишдан асло наф йўқ.

Пешқалам сифатида таърифланган фермаларнинг яна бири — Урганч туманидаги «Пахтакор» жамоа ҳўжалигида таркиб топган «Чорвадор» ҳўсадорлик жамияти ҳам зиён қўриб ишламоқда.

Богот тумани чорвадорларининг бу борадаги омилдорликлари билан танишиш ниятида, туман ҳўқимининг тавсиясига биноан «Хўжалик» ва «Сардор» ҳўсадорлик жамиятларида бўлди.

1993 йилнинг июнь ойида ташкил этилган «Хўжалик» ҳўсадорлик жамияти аъзолари сотиб олинган ферма мажмуи қийматини алдақачон тўла бўлишиди. Утган ярим

йилликка эса 119 минг сўм соф фойда ҳам олишибди.

«Сардор» ҳўсадорлик жамиятида эса вилоятнинг бошқа фермаларидаги каби ҳўсулйлаштириш борасида яхши ният билан бошланган ишлар ҳанузгача қўйилган натижани бермаётди.

Қорамоллар сонини ўтган 7 ойда наҳд 245 бошга камайибди. 1994 йилнинг биринчи ярмида жами 168 бош бўзқоқ олинган бўлса, бу йил аранг 120 бошга етибди.

Ҳар юз бош сигир ҳўсобига атиги 38 та бўзқоқ олинди. Жамият раҳбарининг тан олишича, ориқлаб қолган сигирлар бўзқоқ бермаётди.

Бир неча ўн минг сўм маблағ эвазига сотиб олинган соғиш аппаратлари ва бошқа механизмлардан ҳам ёлғиз фойдаланилмапти.

Жамият ярим миллион сўмга харид қилинган мулкнинг эндигина 10 фоиз ҳақи тўланган, холос. Ферма соҳибларига мулк эгаллигини тасдиқловчи қўйимати қоғозлар ҳалигача тарқатилмаган.

Энг ачинарлиси — мулк эгаларига айланган кўпгина соҳиб чорвалорлар, ўзларини ҳанузгача оддий ишчи сифатида

TASHKOCARUTO TOFAŞ FIAT "Ташкочавто" — ТОФАШ-ФИАТ заводларининг Ўзбекистондаги расмий дилери ўз мижозларига "Доган", "Картап", "ТЕМПРА", "ТИПО" ва бошқа автомобиллар учун барча турдаги эҳтиёт қисмлар сотишга қўйилганлиги ҳақида хабар беради.

"ТЭК И К" қўшма корхонаси Кишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган ускуналар тайёрлайди ва хизмат кўрсатиш кафолати билан тавсия қилади.

Ташкилот пул ўтказиш йўли билан ерэнгоқ ва илғазлама сотиб олади.

TV ХАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР TV ДУШАНБА, 16 ЧОРШАББА, 18 ПАНШАББА, 19 ШАББА, 21

БИР ШИМА ЧОЙ УШИМА

Турмуш сабоқлари

КЕЙИНГИ ПУШАЙМОН

Радиодан маҳзун куй янгради. Диктор титроқ, ҳаяжонли овозда мурожаат қилди: «Энди қариялар уйда фарзандлари дийдорига тор-нолон бўлиб ўтган мана бу отахонинг дил сўзларига қулоқ тутиш...»

Отаҳон, аввало, узундан-узун дуо уқиди. Оллоҳ таолодан одамларга инсоф, диёнат тилади. Сунг бу дунёда меҳроқибат танқис бўлиб бораётганидан, фарзандларнинг меҳрсизлигидан, одамгарчилик қонун-қоидаларидан Йироқ эканликларидан шикоят қилди, ора-сера йиғлаб ҳам олди.

Хар қандай тош юракни ҳам парчалаб ташлашга қодир бу мунгли овоз менга таниш туюлди... Ҳаёлимни узоқ утган йилларга, воқеаларга етаклаб кетди...

Уша пайтлар мен радиода хиёмат қилардим. Бир шикоят хат асосида эшиттириш тайёрлагани товуқ катагидеккина тор хонадонга кириб бордим. Шикоятчи аёл — она бир-биридан кичкина уч фарзанди билан шу ерда ижарада яшаркан. Эр эса топармон-тутармон бир ёш жувоннинг кетидан улоқиб кетиб қолибди. «Қайта борай, қайдан ердан сурай, билмайман. Эримдан ҳеч наф йўқ. Қорасини курастайди. Ишлайин десам, куриб турибиз, болаларим ёш... Дарду ҳасратининг зурлигидан зор йиғлагани шурулик аёл... «Дадамизни кургимиз келди, соғиндик. Дадажон, бизни кургани бир келиб кетинг», — дерди болакайлар. Сунгра сураб-суриштириб, ҳали билгани куч-қувватга тўла уша — бола-чақасини, хотинини

хор-зорликка гирифтор этганча иссиқ-қина, шинамгина макондан паноҳ топган эр — ота билан ҳам учрашганман. «Муҳаббат экан-да, нима қилай, шу — ҳозирги хотинимни яхши куриб қолдим. Собиқ хотиним ҳам куп ҳафа булмасин, кучада қолмас... Эркак айнан шу гапларни айтган, фарзандларини ҳатто ёлмамаганди ҳам.

Шундан сунг аёлни йиллар давомида куча-қўйларда бот-бот учратиб қолардим. Хар гал ҳол-аҳволини баён этарди у:

«—Эрга тегдим. Тегмай нима ҳам қилардим. Ёшман ахир. Кейин бир узим болаларни боқишга ҳам қийналдим. Хар қалай ёмон одамга ухшамайди...»

«—Йўқ аёлга эр топиларкан-у, фарзандларга ота топилиши дарғумон экан. Шу масалада муомаламиз сира келишмаяпти...»

«—Узи асли бахтим йўқ экан. Уғай ота икки дунёда ҳам оталик қилмас экан. Болаларимни чиқиштирмаганидан сунг, «бор-ей», деб ажрашиб кетдим. Ишлаяпман...»

«—Болаларим катта бўлиб ёнимга кириб қолишди. Мен учун ҳам ерун қуллар бор экан. Шу кунда келин ахтариб юрибман...»

«—Буни қаранг, куришмаганимизга ҳам анча бўлиб қолибди-я. Чоратрофим невараларга тўлиб қолган, энди...»

Радиодан эса ҳамон гамгин куй таралар, бир пайтлар хотини-ю, фарзандларини уткинчи ҳою-ҳавага алмашган хаста, бечора овоз фарзандларини инсофдиёнатга, меҳроқибатга қақирарди...

Шартта туриб қариялар уйига боргим, уша чолга қилмиш-қидирмишларини эслатгим, кейинги пушаймон — душман эканлигини уқтиргим кел-



Дилбар САИДОВА

ди. Лекин оқар дарёни орта қайтариб булмаганидек утган умр ҳам қайтмаслигини, бой берилган қадр-қимматни тиклашини ҳам сира илож-имкони йўқлигини уйлаб қолдим.

...Агар Оллоҳ таоло умр берса, қарам қилса қариллик ҳамманнинг ҳам бошида бор савдо. Бундоқ уйлаб қаралса, бу узарувчан, турланувчан, уткинчи дунёда инсонга куп нарса керакмас. Баъзида узини бахтиёр хис этиши учун инсон боласига бир пиллагина иссиқ чой, бир оғизгина ширин суз, бир чимдимгина меҳру муҳаббат ҳам кифоя қилади. Қариялар уйдаги чол ҳам куп нарса сурамайди. У шунчаки меҳрга, муҳаббатга зор-ташна холос... Меҳрини эса сураб еки тилаб олиш мумкинмас. Нима экан, шуни урасан деб бежиз айтмаганлар, ахир.

Бугун тириклик, ёшлик, навқиронлик наҳидасидан баҳрамандим, қадимизни баланд кутариб, гурс-гурс қад ташлаб юрибмиз. Эртага ва ё индига эса... Унгача ҳаёти, тақдир, келажаги биага, бизнинг меҳр-муруватимизга, саховатимизга болгиқ одамлар кунлига, турмушига рушнолик бахш этишга шошилайлик...

ЭҲ, БИЗ ОДАМЛАР...

...Нимаям бўди-ю, мансабу мартабаси улуғ бир кишидан саноқли дақиқаларда омад, давлат, обрў-этибор юз буриб кетди. Бу бевафо дунёда бизнинг тирикчилигимиз, бор-йўгимиз муаллақ эканлиги ҳақиқатан азал-абодий ҳақиқат яна бир бор ўз исботини топди.

Мансабу мартабасидан жудо бўлган бу кимса уша машғум лаҳзадан эътиборан давралардаги суҳбатларнинг бош қаҳрамонига айлиб қолди.

Кимдир шундоқ мўтабар шахсини бошига тушган қўруғликлардан астойдил куйинди, кимлардир эса... Ёқочса, ботир қулар деганларидек, тунув кунгина соясига курпача тўшаб юрган, у ҳақда гап кетганда овозлари ипакдай майинлашиб, тилидан бол томган одамлар энди муштарини туғиб олиб, қизишиб, бугилиб нафрату алам билан гапиршарди. Маълум бўлдики, уша собиқ мансабдордан жабру жафо, ранжу озор топганларнинг сон-саногини йўқ экан.

Эмишки, узиям кейинги пайтларда босар-тусарини билмай қолган экан: «—Жа-а, бурни осмонда эди, ажаб бўлди-да. Салом берсам алиқ олмай ўтиб кетарди...»

«—Одамгарчиликдан чиқиб кетувди. Туйимга иззат-икром қилиб қақирсам келмаганди...»

«—Касалхонадан чиқиб ишга қайтсам, бундоқ бир ҳол-аҳволимни сурамагани ҳам...»

Эмишки ул киши одамларнинг дарду ҳасратларини куп ҳам инобатга олмаган экан:

«—Инсофдиёнати йўқ эди. «Дом» жонимга тегди, участка беринг деб ол-

дига кирсам, эътишнни ҳам истамаганди...»

«—Эскирган машиналардан биронтасини менга ажратиб беришини сураганимда юзини тескари буриб олганди...»

«—Углимни уқишга киритишда ердан беринг, десам, унамаганди...»

Эмишки, ул киши кейинги пайтларда одамгарчилик нима, қадр-қиммат нима унутиб ҳам юборган экан:

«—Ойлиги купроқ ишга ўтказинг деганимда илтимосимни рад этганди...»

Эмишки ул киши яна гирт хотинбоз ҳам бўлган экан...

«—Вир-икки олдига қош-қузимни қуюроққ бўяб кирсам, ошгим олчи эдику-я...»

«—Сурашганда қўлимни узатмасдим-да, шунинг учун мени курсе унчалик ҳам руйхун бермасди...»

Бугун мансабидан айрилган, бир пайтлар ҳурматли бўлган одамни қоралаётганларнинг барчасининг ёши, касби-кори, феъл-атвори турлича. Лекин хар бирининг кунгил тубидаги тилак, талаб ва истаклари бир хил — фақат уларига қулайлик яратилса, фақат уларнинг омадлари юришиб турса, фақат улар роҳат-фароғатда яшашса, дунёдаги ҳамма нарса уларнинг бахт-саодатини таъминласа... Улар учун яшамоқнинг маъно-маъмуни фақат шундан иборат.

Эҳ, биз одамлар бу қадар ҳам худбин бўлмасак, бу қадар ҳам ўз-ўзимиз билан овора-ю маст бўлмасак...

Агар ушанда, анча илгарироқ, қай биримиз ўз-ўзимизни енгиб, ўз тор шахсий манфаатларимиз қобитини ёриб чиқиб, қўрқмай уша мартабали инсон куларига тик боқиб, камчилиги хатоларини оқиқ айтсак, узи тўғри йўлга чорласак, куларимиз, юзларимиз, турмушимиз равшанлашиб кетмасдики... Дилбар САИДОВА, ёзувчи.



ҚАРИНИ ЁШАРТИРАДГАН ФАВВОРА

ЛУИЗИАНА штатининг Нью-Орлеан шаҳридаги Фаввора сувида ичган юзлаб бемор ва қари кишилар соғайиб, ёшариб, кайта кучга кирганлар.



Бундан-да кизиги шундаки, соғайиб, ёшарган кишилар билан кучоқлашиб куришганлар ҳам хасталикдан халос бўлишган ва анча ёшарган.

Тиббиёт соҳасида бундай гайриоддий ҳодиса шу пайтгача қайд этилмаган. — дейди геронтология бўйича америкалик машҳур мутахассис, доктор Элис Хергон. — Соҳри Фаввора сувини ичганда кучоғида бўлган 57 нафар эркак ва аёлнинг чиндан ҳам ёшарганини Бевасита тувочи бўлдим. Бу ҳодисага кизиқиб қолган доктор Хергон жиддий тадқиқот ишларини бошлаб юборган ва 80-90 ёшли кишиларнинг уша сувдан ичиб, чиндан ҳам ёшарганини кузатган. Юзларидagi ажин ва тиришлар тарқаб, оппоқ соқлари асл рангига қайтган, улар эса қайта куч-қувватга тўлганлар.

Докторнинг тадқиқотларидан маълум бўлишича, Фаввора сувдан ичиб юрган кишиларнинг дўстлари ва, айниқса, оила аъзоларида ҳам соғайиш, ёшариш ва кучга тўлиш ҳолатлари юз берган. Мутахассиснинг таъкидлашича, бу ушарганда кучоқлашиб куришши орқали ўтган. Чунки, 80 ёшли аёл доктор Хергонга қуйидагича хикоя қилиб берган.

—Эрим бир қанча муддат уша Фавворадан сув ичиб юргач, менга ҳам шундай қилишни таклиф этди. Чунки, бурни яллиғлашчи хасталигини кийнаб келардим. Аммо, афсуски, мен то вақт топиб, Фавворага борганимга, уни ҳукумат олиб ташлабди. Орузим ушалмай қолганидан каттик ҳафа бўлганимда, чолим мени бағрига босиб, юпата бошлади. Шунда бирдан бутунларимдаги оғриқлар пасайиб бошлаганини сезиб қолдим. Орадан бир ҳафта ўтгач, эса дардан асвр ҳам қолмади. Ҳозир узимни 30 ёшли аёлдек хис қиламан. Холбуки, уша соҳри сувдан бир қултум ҳам ичган эмасман.

91 ёшли собиқ автобус ҳайдовчиси эса шундай хикоя қилди: —Мен ҳам кун шайн ёшарди, кучга тўлиб боряпман. Боси — укам ва ховлаванга мени кучоқлаган эрдлар. Бунга эса, аран юрардим. Хозир бемалол югура оламан.

Доктор Хергон шунча вақт тадқиқот овозини бўлса-да, ўзи бу сувдан ичиб кўрмаган. Чунки, узининг эътирофи этишча, тадқиқотлар аниқ бўлмоғи учун олим ҳолис турмоғи керак.

—Кучоқлаш орқали соғайиш еки ёшариш кай йўсинда юз бераётганин хусусида аниқ гап айтганимиз, — дейди Элис Хергон. — Айтидан, бир-бирига меҳр-оқибат курастатгани кишилар кучоқлашган пайтда улар баданни да юз берадиган вироция (тебраниш, титравш) орқали бир-бирига куч-қувват ўтса керак.

Афсуски, ҳафта дегирли ўрамайдиган бурдан гайри-табиий ҳодисани оқинган тадқиқ этишининг имкони йўқ энди. Чунки, кейинги пайтларда сирли Фаввора атрофида халдан зиёд одамлар тўплана бошлагани оқибатида жамоат боғига куп зарар етатгани боис маҳаллий ҳукумат уни олиб ташлади. Аммо шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, доктор Хергон тадқиқот ишларини бошлаган пайтда Фавворанинг олиб ташланганига икки йил бўлган. Бинобарин, унинг соҳри кучга эга эканлигини сувида истеъмол қилган одамлар ҳам, маҳаллий ҳукумат ҳам қайинчалик воқиф бўлишган.

ҲАДИСПАР

Тангри наздида уларнинг ахшироғи — етишлар иззат қилинадиган уйдир

Тангри наздида савоб умидида тазабни ютмишдек улуғ савоб йўқдир

ҲАДИСПАР

ДЕЙЛ КАРНЕГИ: «ҚўЧА ХАНДОН, УЙ ЗИНДОН» БЎЛМАНГ

МАШИНА моторига мой қанчалик зарур бўлса, қонуний ниқоҳдаги эр-хотин учун хушмуомалалик шу қадар зарурдир.

УОЛТЕР ДАМРОШ бир пайтлар Америка президентлигига ўз номзодини қўйган машҳур нотик Жеймс Блейнингнинг қизига уйлантач, эр-хотиннинг кейинги ҳаёти шоду хуррамлик билан кечди. Хуш, бунинг сирини нимада эди? — Узимга умр йўлдош танлашда эҳтиёткорлик билан бир қаторда тўйдан сўнг хушмуомаликни одат қилишга эътибор бердим, — дейди мессис Дамрош. — Агар ёш хотинлар ўз эрлари билан худди бегоналарга қилганларидек хушмуомалада бўлсалар қуйи-чиқди ҳақил гап бўлиши у ёқда турсин, умрлари ҳур-ҳаловатда ўтарди. Зеро, ҳар қандай эркак ҳам мижгон, жанжалкаш хотиндан нари юришга ҳаракат қилади.

Кўполик, кўреслик худди қандил усма (рык) каби умрни ксмирди. Қизини шувьки, бунинг ҳаммамиз биламиз-у, би-

роқ фақат бегоналарга нисбатан хушмуомалада бўлиб, ўз яқинларини ҳам кўреслик қиламиз.

Генри Клей Ризнер шундай ёзади: «Хушмуомалик шундай қалб фазилатики, унга эга бўлган киши эскириб, хунуги чиқиб кетган булук эшикка эмас, билики у оша ховлига назар ташлаб, чман бўлиб очилган турфа гуллар ҳусидан янқаланади.»

Ўзбекистонда уйга кириш олдидан оёқ кийимларини счиб, остонада қолдириш қатъий одат қилинган. Бошқалар ҳам ўзбекиларнинг бу ибратли одатларига амал қилиб, ишдан (ва, умуман, кўчалдан) келганларини ҳамма ташвишу қўлқабозликни ташқарида қолдириб, уйга кирсалар ёмон бўлмасли.

Хизмат соҳалари холимларининг аксарият кўпчилиги ўз ми-жолари ва иш ўзасидан шерикларига нисбатан ҳеч қачон

МАРҲАМАТ, ЯНА

БАХМАНЁР

Бахманёр Абу Али ибн Синонинг шоғирди бўлганми?

Шавкат САФОВ, Тошкент шаҳри.

ҲА, Бахманёр Абул Ҳасан Марзубан угли (туғилган йили номаълум — 1067) — Озарбайжон файласуфи. Абу Али ибн Синонинг талантини шоғирди бўлган. Бахманёр Форобий ва ибн Сино таълимотларини ҳимоя этиб, ривожлантирди. Ислол ақидаларини асослашда Аристотел тизими ва неоплатонизмдан фойдаланишга ҳаракат қилди. Бахманёрнинг мавжудот ҳақидаги таълимоти пантеистик (пантеизм) характерга эга. У оламни «бошлангич руҳий сабаб» — Оллоҳдан келтириб чиқаради ва эманация асосида тушунтиради; барча мавжуд нарсаларни урта аср фалсафасида кенг тарқал-

САВОЛ БОРМИ?

ган тугунчалар — вужуди мумкин ва вужуди вожиб асосида талқин этишга ҳаракат қилади. Бахманёр билиш назариясида ақлий билишни ҳимоя қилиб, рационализмни ривожлантирди. Бахманёр билан ибн Сино уртасида фалсафий ёшшмалар бўлган. Уларнинг кейин кучирилган айрим нухчалари Ўзбекистон ФАнинг Веруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланмоқда. Бахманёрнинг «Мабод ат-табиат» (Метафизика) ва «Маротиб ал-мавжудот» («Мавжудотнинг мартабалари») (Қоҳира, 1911, араб тилида; Лейпциг, 1851, немис тилида) асарларида мавжудот ва билиш масалалари қараб чиқилган. «Китоб ат-тахсил» («Тахсил китоби») ва «Аз-Зийнот» («Зийнатлаш») асарлари мантқ, «Ал-Бахад ва ас-саодат» («Ўзгаллик ва бахт») китоби ахлоқ масалаларига бағишланган.

ЮЗ АМРИ — ШИРИН

Баъзи одам бировага қаттиқ ботадиган гап гапирарди. Зиён келтирувчи, дилини оғритувчи иш қилади. Бирор керакли нарсасини сураб олади-да, ҳаётинда беравермайди ва бошқалар. Шундай бўлса ҳам андишли одам юзхотир қилиб, тўғридан-тўғри юзига айтишга уялиб, орланиб, ичидан эзилиб юрди ё бошқаларга бу ҳақда ҳасрат қилади. Шунда улар: «Ие, айтмасанми?» дейишса у: «Қандий қилиб айтаман, юз амри ширинда» дейди.

Ярим кечада Сочининг хилват кўчаларидан бири...

— Агар сиз менга юз сўм берсангиз баъти хурматли одамнинг ҳаётини сақлаб қолсангиз... — Кечирасиз, лекин унақа хурматли одамдай кўринмангиз-да. — Биламан. Мен сизни назарда тутайман. ... Талиба ижарига олаётган уйининг бекасига мангур бўлиш учун хушомал оқангида дебди: — Утган йили кетаётганимда бекам йиғлаб қолган эди... — Менда бунақа бўлмайди! Мен ижара ҳақини олдидан олиб қўяман.

ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖўРАБОВ

БЎЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Қишлоқ хўжалиги 36-07-94; Иқтисодий 36-36-63; Маънавий 36-35-60; Аxbорот 36-29-89; Тўнги муҳарририят 33-10-28.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй. Навбатчи муҳаррир — А. Йўлдошев. Навбатчи — Ш. Мутаххиддан ўлим.